

**Туркия Жумҳурияти Ҳукумати  
ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати  
ўртасида даромадларга икки томонлама солиқ  
солишга йўл қўймаслик тўғрисида**

**Б И Т И М**

Туркия Жумҳурияти Ҳукумати ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати,

даромадларга икки томонлама солиқ солишга йўл қўймаслик тўғрисида Битим тузиш истагида ҳамда иккала мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида,

қуйидагилар хусусида аҳдлашиб олдилар:

**1-модда**

**Битимнинг қўлланиш соҳаси**

Ушбу Битим Аҳдлашувчи Давлатларнинг бири ёки ҳар иккаласининг резидентлари бўлган шахсларга нисбатан қўлланилади.

**2-модда**

**Битим татбиқ этиладиган солиқлар**

1. Ушбу Битим, ундирилиш услубидан қатъи назар, Аҳдлашувчи Давлатларнинг ҳар бири ёки уларнинг маъмурий-ҳудудий бўлинмалари ёхуд маҳаллий ҳокимиятлари номидан даромадлардан ундириладиган солиқларга татбиқ этилади.

2. Даромадлардан олинadиган солиқлар жумласига умумий даромаддан ёки даромаднинг бир қисмидан, шу жумладан кўчар ёки кўчмас мол-мулкни сотишдан олинadиган даромаддан ундириладиган барча солиқлар кирази.

3. Ушбу Битим татбиқ этиладиган мавжуд солиқларга жумладан қуйидагилар кирази:

- а) Туркия Жумҳуриятига татбиқан:
  - (i) даромад солиғи;
  - (ii) корпоратив солиқ;

(111) даромад солиғидан ва корпоратив солиқдан олинадиган йиғим;

(бундан кейин "Туркия солиқлари" деб юритилади);

б) Ўзбекистон Республикасига татбиқан:

(i) Ўзбекистон фуқароларидан ва ҳеч қандай фуқаролиги бўлмаган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

(ii) Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ корхоналар, ташкилотлар ва бошқа бирлашмаларнинг даромадларидан ундириладиган солиқлар;

(iii) Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ даромад солиқлари сифатида кўриб чиқиладиган йиғимлар;

(бундан кейин "Ўзбекистон солиқлари" деб юритилади).

4. Ушбу Битим у кучга кирган санадан кейин мавжуд солиқларга қўшимча равишда ёки уларнинг ўрнига ундириладиган аслида ўхшаш бўлган ҳар қандай солиққа нисбатан ҳам қўлланилади. Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари ушбу Битимни қўллаш учун зарур бўлган ўз солиқ қонунларидаги жиддий ўзгаришлар тўғрисида бир-бирларини хабардор қиладилар.

### 3-модда

#### Умумий таърифлар

1. Агар матн мазмунидан ўзга маъно англашилмаса, ушбу Битим мақсадлари учун:

а) (i) "Туркия" атамаси Туркиянинг ҳудудини, денгиздаги ҳудудини, шунингдек унинг минерал ресурсларни консервация килиш ва уларни халқаро ҳуқуққа мувофиқ бошқариш мақсадида ўз юрисдикциясини ва суверен ҳуқуқларини амалга оширадиган денгиз кенгликларини англатади;

(ii) "Ўзбекистон" атамаси Ўзбекистон Республикасини англатади ва жуғрофий маънода қўлланилганда унинг халқаро ҳуқуқларга мувофиқ белгиланган ҳудудини ўз ичига олади.

б) "Аҳдлашувчи Давлат" ва "бошқа Аҳдлашувчи Давлат" атамалари матн мазмунига қараб Туркия Жумҳурияти ёки Ўзбекистон Республикасини англатади;

с) "солиқ" атамаси ушбу Битимнинг 2-моддасида айтиб ўтилган ҳар қандай солиқни англатади;

д) "шахс" атамаси жисмоний шахсни, компанияни ва шахсларнинг бошқа ҳар қандай бирлашмасини англатади;

е) "компания" атамаси корпоратив тусдаги ҳар қандай ташкилотни ёки даромадларидан солиқ олинishi лозим бўлган корпоратив тусдаги ташкилот сифатида қараладиган тузилмани англатади;

ф) "рўйхатга олинган идора" атамаси:

(1) Туркияга нисбатан – Туркия Тижорат Кодексига мувофиқ рўйхатдан ўтказилган юридик бош идорани англатади;

(11) Ўзбекистонга нисбатан – Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилган ва рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга кирувчи ҳар қандай юридик муассасани, ташкилотни;

г) "миллий" атамаси:

(1) Туркияга нисбатан – Туркиянинг фуқаролик тўғрисидаги Кодексига мувофиқ турк миллатига мансуб ҳар қандай жисмоний шахсни ёки Туркиянинг амалдаги қонунларига мувофиқ ўз мақомига эга бўлган ҳар қандай юридик шахс, ҳамжамият ёки шерикчиликни англатади;

(11) Ўзбекистонга нисбатан – Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик тўғрисидаги қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олган ҳар қандай шахсни; ва Ўзбекистоннинг амалдаги қонунларига мувофиқ ўз мақомига эга бўлган ҳар қандай юридик шахс, ҳамжамият ёки шерикчиликни;

н) "Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг корхонаси" ва "бошқа Аҳдлашувчи Давлат корхонаси" атамалари тегишлича Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг резиденти бошқаруви остида ишлаб турган корхонани ва бошқа Аҳдлашувчи Давлат резиденти бошқаруви остида ишлаб турган корхонани англатади;

1) "ваколатли орган" атамаси:

– Туркия Жумҳуриятига нисбатан – Молия вазирлигини ёки унинг ваколатли вакилини англатади;

– Ўзбекистонга нисбатан – Давлат солиқ қўмитасини;

ж) "халқаро ташиш" атамаси Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг корхонаси фойдаланаётган, ҳаво кемаларида ёки автотранспорт воситаларида ҳар қандай ташишни англатади, бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг ҳудудида жойлашган пунктлар ўртасидагина фойдаланиладиган ҳаво кемалари ёки автотранспорт воситалари бундан мустасно;

к) "фойда соҳиби" атамаси ушбу Битимда қуйидагича талқин этилиши лозим: яъни, учинчи мамлакатнинг резидентига Солиқ Битимига мувофиқ Туркия ёки Ўзбекистондан олинган дивидендлар, фоизлар ва роялтига нисбатан фойда олишга имкон бермайди, аммо бу чеклаш Аҳдлашувчи Давлатларнинг резидентларига ҳеч бир тарзда дахл қилмайди.

2. Ушбу Битим Аҳдлашувчи Давлат томонидан қўлланилганда унда таърифланмаган ҳар қандай атама, башарти матн мазмунидан ўзга маъно келиб чиқмаса, бу атама ушбу Битим дахл қиладиган солиқларга тааллуқли ана шу Давлатнинг қонунчилигида кўрсатилган маънога эга бўлади.

#### 4-модда Резидент

1. Ушбу Битим мақсадлари учун "Аҳдлашувчи Давлат резиденти" атамаси ана шу Давлат қонунлари бўйича ўзининг яшаш жойи, бошқарув идораси жойлашган жойи, юридик шахс сифатида ва бошқа шунга ўхшаш ҳар қандай мезонлар бўйича рўйхатдан ўтказилган жойи асосида солиқ тўлаши лозим бўлган ҳар қандай шахсни англатади.

2. Агар 1-банд қоидаларига мувофиқ, жисмоний шахс ҳар иккала Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти ҳисобланса, унинг мақоми қуйидагича белгиланади:

а) шахс қайси Давлатда доимий яшаш жойига эга бўлса, шу Давлатнинг резиденти ҳисобланади; агар, у ҳар иккала Аҳдлашувчи Давлатда доимий яшаш жойига эга бўлса, шахсий ҳамда иқтисодий алоқалари (ҳаётий манфаатлар маркази) жипсроқ бўлган Давлатнинг резиденти ҳисобланади;

б) агар муайян шахснинг ҳаётий манфаатлар маркази жойлашган давлатни аниқлаб бўлмаса, ёки бу шахс Аҳдлашувчи Давлатлардан ҳеч бирида доимий яшаш жойига эга бўлмаса, одатда у қайси Давлатда турган бўлса, ўша Давлатнинг резиденти ҳисобланади;

с) агар муайян шахс одатда ҳар иккала Аҳдлашувчи Давлатда яшаса ёки одатда уларнинг ҳеч бирида яшамаса, у қайси Аҳдлашувчи Давлатнинг фуқароси бўлса, шу Давлатнинг резиденти ҳисобланади;

д) агар Аҳдлашувчи Давлатлардан ҳар бири муайян шахсни ўз фуқароси деб билса ёки улардан ҳеч бири уни ўз фуқароси деб ҳисобламаса, Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари мазкур масалани ўзаро келишиб ҳал этадилар.

3. Агар 1-банд қоидаларига мувофиқ жисмоний шахс ҳисобланмаган шахс ҳар иккала Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлса, у юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилган жойи жойлашган Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти ҳисобланади. Бироқ бундай шахс фаолиятини самарали бошқариш жойи Аҳдлашувчи Давлатлардан бирида жойлашган бўлиб, унинг юридик шахс сифатида рўйхатга олинган идораси эса

бошқа Аҳдлашувчи Давлатда бўлса, Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари бу шахс ушбу Битим мақсадларида қайси Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлиб ҳисобланишига доир масалани ўзаро келишиб ҳал қиладилар.

**5-модда**  
**Доимий муассаса**

1. Ушбу Битим мақсадлари учун "доимий муассаса" атамаси корхонанинг фаолияти тўлиқ ёки қисман амалга ошириладиган доимий фаолият жойини билдиради.

2. "Доимий муассаса" атамаси, хусусан қуйидагиларни ўз ичига олади:

- а) бошқарув органи (жойи);
- б) бўлим;
- с) офис;
- д) фабрика;
- е) устахона;

ф) кон, нефть ва газ қудуғи, табиий ресурслар қазиб олинadиган карьер ёки ҳар қандай бошқа жой;

г) қурилиш майдончаси, қурилиш, монтаж, ёки йиғув объекти, ёки айтиб ўтилган объектлар билан боғлиқ бошқарувчилик фаолияти, фақат улар билан боғлиқ ишлар 36 ойдан ортиқ давом этган тақдирдагина.

Объектлар пудратчи иш бошлаган пайтдан, шу жумладан қурилишдаги барча тайёргарлик ишлари бошланган пайтдан эътиборан амал қила бошлайди.

3. Ушбу модданинг аввалги қоидаларига қарамай, "доимий муассаса" атамаси қуйидагиларни ўз ичига олмайди:

а) иншоотлардан шу корхонага тегишли товарлар ёки маҳсулотларни сақлаш, намойиш қилиш ва етказиб бериш мақсадларидагина фойдаланишни;

б) шу корхонага тегишли товарлар ёки маҳсулотларнинг захирасини фақат сақлаш, намойиш қилиш ёки етказиб бериш мақсадларидагина асраб туришни;

с) шу корхонага тегишли товарлар ёки маҳсулотлар захирасини бошқа корхоналарда қайта ишлов бериш мақсадларидагина асраб туришни;

d) доимий фаолият жойини мазкур корхона учун товарлар ёки маҳсулотлар сотиб олиш ёки ахборот йиғиш мақсадларида сақлаб туришни;

e) доимий фаолият жойини тайёргарлик ёки ёрдамчи тусдаги бошқа ҳар қандай фаолиятни амалга ошириш мақсадларида фақат шу корхона манфаатларини кўзлаб сақлаб туришни;

f) доимий фаолият жойини фақат (a)-(e) кичик бандларида айтиб ўтилган ва тайёргарлик ёки ёрдамчи тусдаги фаолият жамламаси натижаси бўлган доимий фаолият жойидаги барча ишларни ташкил этувчи фаолиятнинг ҳар қандай жамламасини амалга ошириш учун сақлаб туришни.

4. 1 ва 2-бандлардаги қоидаларга қарамай, 5-банд татбиқ этиладиган мустақил мақомга эга бўлмаган шахс Аҳдлашувчи Давлатда бошқа Аҳдлашувчи Давлат корхонаси номидан иш кўрса, бундай корхона шахс шу корхона мақсадлари учун амалга ошираётган фаолиятга мувофиқ биринчи эслатилган Аҳдлашувчи Давлатда доимий муассаса деб ҳисобланади, агар бу шахс:

a) шу корхона номидан контрактлар тузиш ваколатига эга бўлса ва улардан фойдаланса ва шу шахсни фаолияти 3-банд қоидаларидаги чеклашларга тўғри келиб қолмаса, агар бу фаолият доимий фаолият жойи орқали амалга оширилса ҳам, мазкур банд қоидаларига кўра, ана шу доимий фаолият жойи доимий муассаса деб ҳисобланмайди;

b) бундай ваколатларга эга бўлмаса, лекин одатда биринчи Аҳдлашувчи Давлатда товарлар ёки маҳсулотларни сақлаш жойига эга бўлса ва шу жойидан корхона номидан товарлар ва маҳсулотларни мунтазам етказиб турса.

5. Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг корхонаси бошқа Аҳдлашувчи Давлатда брокер, комисионер ёки мустақил мақомга эга бўлган бошқа ҳар қандай агент орқали фаолиятини амалга оширса, бу шахслар ўзларининг одатдаги фаолияти доирасида иш юритганлари тақдирда, бошқа Аҳдлашувчи Давлатда доимий муассасага эга эмас, деб ҳисобланади.

6. Жисмоний шахс бўлмаган шахс Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг резиденти бўлса, жисмоний шахс бўлмаган, бошқа Аҳдлашувчи Давлат резиденти бўлган ёки ана шу бошқа Давлатда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган (доимий муассаса орқали ёки бошқа тарзда) шахс назорат қилса ёки назорат қилинса, бу ҳол мазкур компаниялардан бирини бошқасининг доимий муассасасига айлантириб қўймайди.

**6-модда****Кўчмас мулкдан олинадиган даромадлар**

1. Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг резиденти бошқа Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган кўчмас мулкдан олаётган даромадига (қишлоқ хўжалиги ёки ўрмон хўжалигидан олинадиган даромадлар ҳам шунга қиради) шу бошқа Давлатда солиқ солиниши мумкин.

2. "кўчмас мулк" атамаси кўриб чиқиладиган мол-мулк жойлашган Аҳдлашувчи Давлат қонунларида ифодаланган тушунчага эга. Кемалар, қайиқлар, ҳаво кемаларига ва ерда юрадиган транспортга кўчмас мулк сифатида қаралмайди.

"кўчмас мулк" атамаси ҳар қандай ҳолатда кўчмас мулкка туташ бўлган (кўшимча) мулкни, уй ҳайвонларини ҳамда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги анжомларини, ҳар қандай кўринишдаги балиқчилик майдонларини, ердаги мулкка тааллуқли умумий қонунларнинг қоидаларида белгилаб берилган ҳуқуқларни, кўчмас мулкдан тушган даромадни ва маъданлар ва бошқа табиий ресурсларнинг қатламларини ишлаб чиқиш ёки уларни ишлаб чиқиш ҳуқуқи учун товон сифатида тўланадиган ўзгарувчан ёки белгилаб қўйилган тўловларга бўлган ҳуқуқни ўз ичига олади.

3. 1-банд қоидалари кўчмас мулкдан бевосита фойдаланиш, ижарага бериш ёки ундан бошқа ҳар қандай шаклда фойдаланиш йўли билан олинган даромадга нисбатан қўлланилади.

4. 1 ва 3-бандлар қоидалари корхонанинг кўчмас мулкдан олинган даромадига ҳамда мустақил шахсий хизматлар кўрсатиш учун фойдаланиладиган кўчмас мулкдан тушадиган даромадларга ҳам татбиқ этилади.

**7-модда****Тижорат фаолиятдан олинадиган фойда**

1. Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг корхонаси олган фойдага агар, ушбу корхона тадбиркорлик фаолиятини бошқа Аҳдлашувчи Давлатда у ерда жойлашган доимий муассаса орқали амалга оширмаётган бўлса, фақат ўша Аҳдлашувчи Давлатда солиқ солинади. Агар, корхона ўз фаолиятини юқорида айтиб ўтилганидек амалга ошираётган бўлса, у ҳолда корхона олган фойдага бошқа Аҳдлашувчи Давлатда солиқ солиниши мумкин, бироқ бу солиқ фойданинг доимий муассаса фаолиятига тааллуқли қисмигагина дахл қилади.

2. 3-банд қоидаларига мувофиқ, Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг корхонаси бошқа Аҳдлашувчи Давлатда у ерда жойлашган доимий муассаса орқали тижорат фаолиятини амалга оширса, у ҳолда бу корхона олиши мумкин бўлган фойда ҳар бир Аҳдлашувчи Давлатда ана шу доимий муассасага ўтказилади, фақат агар, муассаса айти бир хил шароитда айти бир хил фаолиятни амалга оширувчи ва доимий муассаса ҳисобланувчи корхонадан мутлақо мустақил равишда фаолият олиб бораётган бўлса.

3. Доимий муассасанинг фойдасини аниқлашда ана шу доимий муассаса фаолияти мақсадлари учун кетган харажатлар, шу жумладан ҳам доимий муассаса жойлашган давлатда, ҳам бошқа исталган жойда кетган бошқарув ва умумий-маъмурий харажатларни чегириб ташлашга йўл қўйилади.

4. Доимий муассаса корхона учун харид қилган товарлар ёки маҳсулотларгагина асосланиб доимий муассаса ҳисобига бирон бир фойда ўтказилмайди.

5. Агар, фойда ушбу Битимнинг бошқа моддаларида алоҳида гап борган даромад турларини ўз ичига олса, у ҳолда ана шу бошқа моддаларнинг қоидалари ушбу модданинг қоидаларига дахл қилмайди.

### 8-модда

#### Ҳаво ва ер транспорти

1. Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг корхонаси бошқа Аҳдлашувчи Давлатда ҳаво кемалари ва автотранспорт воситаларидан фойдаланиш орқали халқаро ташишдан олган даромадларига фақат биринчи эслатилган Давлатда солиқ солинади.

2. 1-банд қоидалари умумий фондда, қўшма корхоналарда ёки транспорт воситаларидан фойдаланадиган халқаро ташкилотларда иштирок этишдан олинган даромадларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

### 9-модда

#### Уюшган корхоналар

1. Агар:

а) Аҳдлашувчи Давлатнинг корхонаси ўзга Аҳдлашувчи Давлат корхонасини бошқаришда, назорат қилишда ёки унинг сармоясида бевосита ёки билвосита қатнашса, ёки

b) ўша шахсларнинг ўзлари Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг корхонасини ва бошқа Аҳдлашувчи Давлат корхонасини бошқаришда, назорат қилишда ёки унинг сармоясида бевосита ёки билвосита қатнашса ва мустақил корхоналар ўртасида бўладиганидан фарқли равишда корхоналар ўртасида ўзига хос тижорат ва молиявий муносабатлар вужудга келган шароитда корхоналардан бирида шундай муносабатлар натижасида тўпланган фойда, шундай муносабатлар сабабли корхона фойдасига киритилиши ва тегишли тарзда солиққа тортилиши мумкин.

2. Аҳдлашувчи Давлат мазкур Давлатнинг корхонаси фойдасига фойда қўшса ва бу фойда тегишли тарзда солиққа тортилса, у ҳолда бошқа Аҳдлашувчи Давлат корхонаси ана шу бошқа Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортиладиган фойда ва шу тарзда биринчи эслатилган Давлат томонидан қўшилган ва биринчи эслатилган Давлат корхонаси томонидан тўпланган фойдалар деб ҳисобланувчи фойда, агар икки корхона ўртасида вужудга келган муносабатлар икки мустақил корхона ўртасидаги муносабатлардек бўлса, бунда мазкур бошқа Давлат ушбу фойдадан олинadиган солиқ миқдорини мослаштиради, агар бундай мослаштирувни ана шу бошқа Давлат асосли деб ҳисобласа. Бундай мослаштирувни мазкур Битимнинг қоидаларига мувофиқ ҳолга келтиришни аниқлаш учун Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари зарур ҳолларда ўзаро маслаҳатлашувларни бошлашлари керак.

#### 10-модда Дивидендлар

1. Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг резиденти ҳисобланган юридик шахс бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резидентига тўлайдиган дивидендларга ана шу бошқа Давлатда солиқ солиниши мумкин.

2. Бироқ бундай дивидендлар дивидендлар тўлайдиган компания резиденти ҳисобланган Аҳдлашувчи Давлатда унинг қонунчилигига мувофиқ ҳам солиққа тортилиши мумкин, фақат агар, дивидендларнинг даромадли соҳиби дивиденд олувчи деб ҳисобланса, солиқ миқдори дивидендлар ялпи суммасининг 10 фоизидан ошмаслиги керак.

3. "дивидендлар" атамаси ушбу моддада фойдаланилганда акциялардан ёки фойдада иштирок этиш ҳуқуқини берувчи, бироқ, қарз талаблари деб ҳисобланмаган бошқа ҳуқуқлардан олинadиган даромадни, шунингдек даромадни тақсимлайдиган компания резиденти бўлган Дав-

латнинг қонунчилигига мувофиқ акцияларидан олинадиган даромад сингари солиққа тортиладиган бошқа корпоратив ҳуқуқлардан келади- ган даромадларни, ва инвестиция фондидан ҳамда инвестиция ишонч фондидан олинадиган даромадларни англатади.

4. Ўз фаолиятини бошқа Аҳдлашувчи Давлатда у ерда жойлашган доимий муассаса орқали амалга ошираётган Аҳдлашувчи Давлат резиденти ҳисобланган компаниянинг фойдаси, 7-модданинг қоидаларига мувофиқ солиққа тортилганидан кейин, қолган суммага доимий муас- саса жойлашган Аҳдлашувчи Давлатда мазкур давлатнинг қонунчилиги- га мувофиқ солиқ солиниши лозим, бу солиқ ставкаси ушбу модданинг 2-бандида эслатиб ўтилганидан ошиб кетмаслиги керак.

5. Агар, дивидендларнинг даромадли соҳиби Аҳдлашувчи Давлат- лардан бирининг резиденти бўлгани ҳолда дивидендлар тўлайдиган компания резиденти бўлган бошқа Аҳдлашувчи Давлатда у ерда жой- лашган доимий муассаса орқали тижорат фаолиятини амалга оширса ва дивидендлар тўланадиган холдинг ҳақиқатан ҳам доимий муассаса би- лан боғлиқ бўлса, 1- ва 2-бандларнинг қоидалари қўлланилмайди. Бундай ҳолда 7-модданинг қоидалари қўлланилади.

#### 11-модда

#### Ғоизлар

1. Аҳдлашувчи Давлатлардан бирида ҳосил бўладиган ва бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резидентига тўланадиган ғоизларга ана шу бошқа Давлатда солиқ солинади.

2. Бироқ, бундай ғоизларга улар ҳосил бўладиган ана шу Аҳд- лашувчи Давлатда шу Давлат қонунчилигига мувофиқ ҳам солиқ соли- ниши мумкин, агар дивидендларнинг даромадли соҳиби ғоизлар олувчи ҳисобланса, солиқ миқдори ғоизлар ялпи суммасининг 10 ғоизидан ошмаслиги керак.

3. 2-банд қоидаларига қарамай:

а) Ўзбекистонда ҳосил бўлган ва Туркия ҳукуматига ёки Туркия Марказий банкига ёки Туркия Экзимбанкига тўланадиган ғоизлар Ўз- бекистон солиғидан озод қилиниши керак.

б) Туркияда ҳосил бўлган ва Ўзбекистон Ҳукуматига, Ўзбекис- тон Марказий Банкига тўланадиган ғоизлар Туркия солиғидан озод қилиниши керак.

4. "Фоишлар" атамаси Ушбу Битимда ишлатилганда ипотека таъминотидан ва фойдаларда иштирок этиш ҳуқуқи борлигидан, ва ҳар қандай турдаги қарз талабларидан қатъи назар, ҳукумат қимматли қозғозларидан, облигациялардан ва қарз мажбуриятларидан тушадиган даромадни, шунингдек ана шу даромад ҳосил бўладиган Аҳдлашувчи Давлатнинг солиқ қонунчилиги бўйича берилган пуллардан олинадиган ҳар қандай бошқа даромадни англатади.

5. Агар дивидендларнинг даромадли соҳиби Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг резиденти бўлгани ҳолда, фоишлар ҳосил бўладиган бошқа Аҳдлашувчи Давлатда у ерда жойлашган доимий муассаса орқали тижорат фаолиятини амалга ошираётган бўлса ва фоишлар тўланаётган қарз талаблари ҳақиқатан ҳам ана шундай доимий муассасага қарашли бўлса, 1 ва 2-бандларнинг қоидалари қўлланилмайди. Бундай ҳолда ушбу Битим 7-моддасининг қоидалари қўлланилади.

6. Агар, Давлатнинг ўзи, унинг маъмурий-ҳудудий бўлинмаси, маҳаллий ҳокимияти ёки мазкур Давлатнинг резиденти фоиш тўловчи бўлса, фоишлар ана шу Аҳдлашувчи Давлатда ҳосил бўлган, деб ҳисобланади. Бироқ, фоишлар тўловчи шахс Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти эканлиги ёки резиденти эмаслигидан қатъи назар, қарзлар бўйича тўланаётган фоишлар ҳосил бўлган Аҳдлашувчи Давлатда доимий муассасага эга бўлса, бу ҳолда фоишлар доимий муассаса жойлашган Аҳдлашувчи Давлатда ҳосил бўлган, деб ҳисобланади.

7. Агар, фоишлар тўловчи билан амалда фоишлар олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс ўртасидаги ехуд уларнинг ҳар иккаласи билан бошқа бирон бир шахс ўртасидаги алоҳида муносабатлар оқибатида фоишлар тўланаётган қарз талабларига дахлдор фоишлар суммаси фоишлар тўловчи билан бундай муносабатлар мавжуд бўлмаган тақдирда ҳақиқатан фоишлар олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс ўртасида ўзаро келишилиши мумкин бўлган суммадан ошиб кетса, ушбу модданиннг қоидалари фақатгина сўнгги эслатилган суммага нисбатан тадбиқ этилади. Бундай ҳолда тўловнинг ортиқча қисмига ушбу Битимнинг бошқа қоидаларини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир Аҳдлашувчи Давлатнинг қонунчилигига мувофиқ илгаригидек солиқ солинади.

## 12-модда

### Роялти

1. Аҳдлашувчи Давлатлардан бирида ҳосил бўладиган ва бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резидентига тўланадиган роялтилар ушбу бошқа Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. Бироқ бундай роялтилар улар ҳосил бўладиган Аҳдлашувчи Давлатда ҳам ва шу Давлат қонунчилигига мувофиқ солиққа тортилиши мумкин, аммо агар олувчи ана шу роялтиларнинг даромадли соҳиби бўлса, бундай ҳолда солиқ тушумлар ялпи суммасининг 10 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

3. "Роялти" атамаси мазкур Битимда қўлланилганда ҳар қандай Ҳабабёт, санъат ва илм-фан асарларини, шу жумладан, кинофильмлар ҳамда радиоэшиттириш ва телевидение ёзувлари ва видео кассеталар, ҳар қандай патент, товар белгиси, чизма ёки модель, схема, компьютер дастури, махфий формула ёки жараен учун муаллифлик ҳуқуқидан фойдаланганлик ёки фойдаланиш ҳуқуқи берилганлиги учун ёки саноат, тижорат ёки илмий асбоб-ускунлардан фойдаланганлик ёки фойдаланиш ҳуқуқи берилганлиги учун, ёки саноат, тижорат ёки илмий тажриба хусусидаги ахборот учун мукофот тарзида олинадиган ҳар қандай турдаги тўловларни англатади.

4. Агар Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг резиденти бўлиб, роялтига нисбатан амалда ҳуқуққа эга бўлган шахс роялти ҳосил бўлаётган бошқа Аҳдлашувчи Давлатда у ерда жойлашган доимий муассаса орқали тижорат фаолиятини амалга ошираётган бўлса ва роялти тўланоётган ҳуқуқ ёки мол-мулк ҳақиқатан ҳам доимий муассасага боғлиқ бўлса, 1- ва 2 - бандларнинг қоидалари қўлланилмайди. Бундай ҳолда мазкур Битимнинг 7-моддаси қоидалари қўлланилади.

5. Агар тўловчи Аҳдлашувчи Давлатнинг ўзи, унинг маъмурий-ҳудудий бўлинмаси, маҳаллий ҳокимият органи ёки шу Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлса, роялтилар шу Аҳдлашувчи Давлатда ҳосил бўлган, деб ҳисобланади. Бироқ, агар, роялтини тўловчи шахс Аҳдлашувчи Давлатнинг резидентими, йўқми эканлигидан катъи назар, Аҳдлашувчи Давлатда роялтини тўлаш мажбурияти зиммасига тушган доимий муассасага эга бўлса ва бу доимий муассаса тўлов харажатларини тўласа, бундай роялтидан тушган даромадлар доимий муассаса жойлашган шу Аҳдлашувчи Давлатда ҳосил бўлган, деб ҳисобланади.

6. Агар тўловчи ва амалда роялти ҳуқуқига эга бўлган шахс ўртасидаги, ёки уларнинг иккови ва бошқа бирон бир шахс ўртасидаги алоҳида муносабатлар оқибатида фойдаланишга, фойдаланиш ҳуқуқига ёки роялти тўланадиган ахборотга тааллуқли тўланган роялти суммаси тўловчи ва амалда ана шу роялтилар ҳуқуқига эга бўлган шахс ўртасида келишилган суммадан ортиб кетса, бундай муносабат-

лар йўқ бўлган тақдирда, мазкур модда қоидалари фақат охириги эслатилган суммага нисбатан қўлланилади. Бундай ҳолда тўловнинг ортиқча қисмига мазкур Битимнинг бошқа қоидаларини ҳисобга олиб, ҳар бир Аҳдлашувчи Давлат қонунчилигига мувофиқ, илгаригидек солиқ солинади.

### 13-модда

#### Сармоя қийматининг ўсишидан олинадиган даромадлар

1. Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг резиденти бошқа Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган, 7-моддада эслатиб ўтилган кўчмас мулкни бегоналаштиришдан оладиган даромадларга шу бошқа Аҳдлашувчи Давлатда солиқ солиниши мумкин.

2. Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг резиденти бошқа Аҳдлашувчи Давлатдаги доимий муассасанинг амалий қисмини ташкил этувчи кўчар мулкни бегоналаштиришдан оладиган даромадларга, жумладан мазкур доимий муассасани (алоҳида ёки корхона билан биргаликда) бегоналаштиришдан оладиган даромадларга ана шу бошқа Аҳдлашувчи Давлатда солиқ солиниши мумкин.

3. Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг резиденти халқаро ташишда фойдаланиладиган кемалар, самолётлар ёки автотранспорт воситаларини ёки шундай самолётлар ёки автотранспорт воситаларидан фойдаланишга тааллуқли кўчар мулкни бегоналаштиришдан олган даромадларга шу Аҳдлашувчи Давлатдагина солиқ солиниши мумкин.

4. 1-, 2- ва 3-бандларда санаб ўтилмаган ҳар қандай бошқа мол-мулкни бегоналаштиришдан олинган даромадга мол-мулкни бегоналаштираётган шахс резиденти бўлган ўша Аҳдлашувчи Давлатда солиқ солинади. Бироқ юқоридаги жумлада эслатиб ўтилган ва бошқа Аҳдлашувчи Давлатдан олинган сармоя қийматининг ўсиши, агар сотиб олинган ва сотилган вақт орасидаги фурсат бир йилдан ошмаган бўлса, ана шу бошқа Аҳдлашувчи Давлат томонидан солиқ солиниши керак.

### 14-модда

#### Мустақил шахсий хизматлар

1. Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг резиденти кўрсатган касб хизматлари ёки бошқа мустақил фаолиятдан оладиган даромадига фақат шу Аҳдлашувчи Давлатда солиқ солиниши мумкин, агар бу хизмат-

лар бошқа Аҳдлашувчи Давлатда амалга оширилган бўлмаса. Агар бу фаолият ана шу бошқа Аҳдлашувчи Давлатда амалга оширилган бўлса, бундай даромадга ана шу бошқа Аҳдлашувчи Давлатда солиқ солиниши мумкин.

2. 1-банд қоидаларига қарамай, Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг резиденти бошқа Аҳдлашувчи Давлатда амалга оширган касб хизматлари ёки бошқа мустақил фаолиятдан олган даромади, агар даромад эгаси бошқа Давлатда тегишли молиявий йилда бошланадиган ва тугайдиган ҳар қандай 12 ойлик даврда 183 кундан ошмайдиган давр ёки даврлар мобайнида турган бўлса, биринчи эслатилган Аҳдлашувчи Давлатдагина солиққа тортилади.

3. "Мустақил шахсий хизматлар" атамаси, хусусан, мустақил илмий, адабий, артистлик, маърифий ёки ўқитувчилик фаолиятини, шунингдек, врачлар, ҳуқуқшунослар, муҳандислар, меъморлар, стоматологлар, бухгалтерларнинг ҳамда махсус касб тайёргарлигини талаб қиладиган бошқа фаолият билан шуғулланадиган шахсларнинг мустақил шахсий фаолиятини қамраб олади; жисмоний шахс бўлмаган шахсларнинг шундай ёки шунга ўхшаш фаолиятдан олган даромадларига ушбу Битимнинг 5- ва 7- моддаларига қоидаларига мувофиқ солиқ солинади.

### 15-модда

#### Ёлланма шахсий хизматлар

1. Мазкур Битимнинг 16-, 18-, 19- ва 20-моддаларининг қоидаларини ҳисобга олиб, ёлланма ишга нисбатан Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг резиденти оладиган иш ҳақи, маош ва бошқа шунга ўхшаш мукофотларга, агар ёлланма иш бошқа Аҳдлашувчи Давлатда амалга оширилмаётган бўлса, фақат шу Давлатда солиқ солинади. Агар ёлланма иш шу тариқа амалга оширилса, шу муносабат билан олинган мукофотга шу бошқа Аҳдлашувчи Давлатда солиқ солинади.

2. 1-банд қоидаларига қарамай, Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг резиденти бошқа Аҳдлашувчи Давлатда амалга оширилаётган ёлланма ишга нисбатан олаётган мукофотга фақат биринчи эслатилган Давлатда солиқ солинади, агар бунинг учун бир пайтнинг ўзида:

а) даромад олувчи бошқа Аҳдлашувчи Давлатда тегишли молиявий йилда бошланадиган ва тугайдиган ҳар қандай 12 ойлик даврда 183 кундан ошмайдиган давр ва даврлар мобайнида бўлса, ва

б) мукофот бошқа Аҳдлашувчи Давлат резиденти бўлмаган ёлловчи томонидан ёки ёлловчи номидан тўланса, ва

с) мукофотни тўлаш харажатларини бошқа Аҳдлашувчи Давлатда, ёлловчининг доимий муассасаси ўз зиммасига олса.

3. Мазкур модданинг олдинги қоидаларига қарамай, халқаро ташишда фойдаланиладиган ҳаво ёки ер транспорти воситалари ичида амалга ошириладиган ёлланма ишга нисбатан олинадиган мукофот пулига ҳаво ёки ер транспорти воситаларидан фойдаланишдан даромад оладиган шахс резидент бўлган Аҳдлашувчи Давлатда солиқ солинади.

#### 16-модда

##### Директорларнинг гонорарлари

Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг резиденти бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлмиш директорлар кенгаши ёки шунга ўхшаш компания органи ёхуд бошқа ҳар қандай юридик шахс сифатида оладиган директорлик гонорарлари ва бошқа шунга ўхшаш тўловларга шу бошқа Аҳдлашувчи Давлатда солиқ солиниши мумкин.

#### 17-модда

##### Санъат ходимлари ва спортчилар

1. Мазкур Битимнинг 14- ва 15-моддалари қоидаларига қарамай, Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг резиденти театр, кино, радио ёки телевидение артисти ёки мусиқачи каби санъат ходими сифатида ёки спортчи сифатида бошқа Аҳдлашувчи Давлатда амалга ошираётган шундай шахсий фаолияти туфайли оладиган даромадга шу бошқа Аҳдлашувчи Давлатда солиқ солиниши мумкин.

2. Санъат ходими ёки спортчи амалга ошираётган шахсий фаолиятга нисбатан даромад санъат ходими ёки спортчининг ўзига эмас, балки бошқа шахсга ёзилса, мазкур Битимнинг 7-, 13- ва 14-моддалари қоидаларига қарамай, ушбу даромадга санъат ходими ёки спортчи фаолият кўрсатаётган ўша Аҳдлашувчи Давлатда солиқ солиниши мумкин.

3. Агар Аҳдлашувчи Давлатга бориш бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг жамоат фонди томонидан, маъмурий-ҳудудий бўлинмаси ёки маҳаллий ҳокимияти томонидан ташкил этилган бўлса, санъат ходими ёки спортчининг Аҳдлашувчи Давлатда амалга ошираётган фаолиятдан келган даромадга шу Давлатда солиқ солинмаслиги керак.

**18-модда**  
**Давлат хизмати**

1. а) Ҳар қандай жисмоний шахсга унинг бир Аҳдлашувчи Давлат ёки унинг маъмурий-ҳудудий бўлинмаси, маҳаллий ҳокимиятига кўрсатган хизматлари учун шу Аҳдлашувчи Давлат ёки маҳаллий ҳокимият томонидан тўланадиган мукофотга, пенсиядан ташқари, фақат шу Давлатда солиқ солинади.

б) 1-банднинг (а) кичик бандидаги қоидаларга қарамай, агар, хизматлар бошқа Аҳдлашувчи Давлатда амалга оширилаётган бўлса ва мукофотни олувчи ана шу бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлса, агар у:

1) биринчи эслатилган Давлатнинг фуқароси бўлмагани ҳолда ана шу Давлатнинг фуқароси бўлса; ёки

11) биринчи эслатилган Давлатнинг фуқароси бўлмагани ҳолда хизматлар кўрсатиш мақсадидагина бошқа Давлат резиденти бўлмаган бўлса, мукофотларга фақат шу бошқа Аҳдлашувчи Давлатда солиқ солиниши лозим.

2. а) Аҳдлашувчи Давлатга ёки унинг бўлинмасига ёки маҳаллий ҳокимиятига кўрсатилган хизмат учун ҳар қандай жисмоний шахсга Фонддан ёки Аҳдлашувчи Давлатда ехуд унинг маъмурий-ҳудудий бўлинмаси ёки маҳаллий ҳокимияти томонидан тузилган фонддан тўланган ҳар қандай пенсия фақат ана шу Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилади.

б) 2-банднинг (а) кичик бандидаги қоидаларга қарамай, агар жисмоний шахс шу Давлатнинг фуқароси ва резиденти бўлсагина, бундай пенсияга фақат шу бошқа Аҳдлашувчи Давлатда солиқ солинади.

3. 15-, 16- ва 18-моддаларнинг қоидалари Аҳдлашувчи Давлат ёки унинг маъмурий-ҳудудий бўлинмаси ёки маҳаллий ҳокимияти амалга оширадиган тадбиркорлик ишлари билан боғлиқ хизматлар учун бериладиган мукофот ва пенсияларга нисбатан қўлланилади.

**19-модда**  
**Пенсиялар**

18-модданинг 2-банди қоидаларига мувофиқ, Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг резидентига олдинроқ амалга оширилган фаолият учун тўланадиган пенсиялар ва бошқа шунга ўхшаш мукофотларга фақат шу Аҳдлашувчи Давлатда солиқ солиниши мумкин.

**20-модда****Ўқитувчилар ва талабалар**

1. Бошқа Аҳдлашувчи Давлат резиденти бўлса ёки Аҳдлашувчи Давлатга келиши арафасида бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлган ва эслатилган Давлатда фақат таълим олиш ёки практика ўташ мақсадларида бўлиб турган талаба ёки практикант тижорат бўйича оладиган тўловларга, агар бу тўловлар шу Аҳдлашувчи Давлатдан ташқаридаги манбалардан берилаётган бўлса, шу Аҳдлашувчи Давлатда солиқ солинмайди.

2. Шунга ўхшаб, бошқа Аҳдлашувчи Давлат резидентлари бўлган ёки Аҳдлашувчи Давлатлардан бирига келишдан олдин ана шу бошқа Аҳдлашувчи Давлат резидентлари бўлган ва биринчи эслатилган Давлатда икки йилдан ошмайдиган давр ва даврлар мобайнида фақат ўқиш ёки илмий тадқиқотлар ўтказиш мақсадларида бўлиб турган ўқитувчилар ёки инструкторлар оладиган мукофот пули биринчи эслатилган Давлатда солиқдан озод қилинади, агар бундай тўловлар биринчи эслатилган Давлатдан ташқарида бўлган манбалардан берилаётган бўлса, уларнинг ўқитувчилик ёки тадқиқот ишлари учун оладиган мукофотларига солиқ солинмайди.

**21-модда****Бошқа даромадлар**

Аҳдлашувчи Давлатлардан бири резидентининг ушбу Битим олдинги моддаларида қайд этилмаган даромад турларига, уларнинг қаерда ҳосил бўлишидан қатъи назар, фақат шу Аҳдлашувчи Давлатда солиқ солинади.

**22-модда****Икки томонлама солиқ солинишга йўл қўймаслик**

1. Аҳдлашувчи Давлатлардан ҳар бирининг амалдаги қонунчилиги шу Аҳдлашувчи Давлатларда даромадларга солиқ солишга нисбатан тадбиқ этилаверади, ушбу Битимнинг қоидалари ана шу қонунларга зид келган ҳоллар бундан мустасно.

2. Ўзбекистонга татбиқан икки томонлама солиқ солишга йўл қўймасликка қуйидаги тарзда эришилади:

а) агар, Ўзбекистон резиденти ушбу Битимнинг қоидаларига мувофиқ Туркияда солиқ солиниши мумкин бўлган даромад олаётган бўл-

са, Ўзбекистон Туркияда тўланадиган даромад солиғига тенг миқдорда бевосита ёки қисқартириш йўли билан шу резидентнинг даромад солиғини қисқартиради. Аммо бундай қисқартириш даромад солиғининг Туркияда солиққа тортиладиган даромадга тегишли бўла оладиган қисмидан (қисқартиришгача тўланган) ошмаслиги керак;

б) агарда, Ўзбекистон резиденти ушбу Битимнинг қоидаларига мувофиқ, фақат Туркияда солиқ солиниши мумкин бўлган даромад олаётган бўлса, Ўзбекистон бу даромадни солиққа тортиш базасига қўшиши мумкин, лекин бунда даромад солиғи Туркияда олинган ва Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ҳамда солиққа тортиш нормаларига мувофиқ ҳисобланган даромадга тегишли бўла оладиган қисмидангина қисқартирилиши мумкин.

3. Туркияга татбиқан икки томонлама солиқ солинишига йўл қўймасликка қуйидаги тарзда эришилади:

а) агар, Туркия резиденти ушбу Битим қоидаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида солиқ солиниши мумкин бўлган даромад оласа, Туркия шу резидентнинг даромад солиғини бевосита ёки қисқартириш йўли билан Ўзбекистондаги даромад солиғига тенг миқдорда қисқартиради. Бироқ, бундай қисқартириш даромад солиғининг (қисқартирилгунга қадар тўланган) Ўзбекистон Республикасида солиқ солиниши лозим бўлган даромадга тааллуқли қисмидан кўп бўлмаслиги керак;

б) агар Туркия резиденти ушбу Битим қоидаларига мувофиқ фақат Ўзбекистонда солиқ солиниши лозим бўлган даромад олаётган бўлса, Туркия ушбу даромадни солиққа тортиш базасига қўшиши мумкин, бироқ, даромад солиғининг Ўзбекистонда олинган даромадга тааллуқли бўлиши мумкин бўлган қисмини қисқартиришга йўл қўя олади.

### 23-модда

#### Камситмаслик

1. Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг миллий шахслари бошқа Аҳдлашувчи Давлатда ана шу бошқа Давлатнинг миллий шахсларига айна бир хил шароитларда солинадиган ёки солиниши мумкин бўлган солиқдан ва у билан боғлиқ мажбуриятлардан кўра бошқачароқ ёки оғирроқ солиқ солинишига ёки у билан боғлиқ мажбуриятга дучор қилинмайдилар.

2. 10-чи модданинг 4-банди қоидаларига мувофиқ Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг корхонаси бошқа Аҳдлашувчи Давлатда эга бўлган доимий муассасага солиқ солиш ана шу бошқа Давлатда айнан шундай Фаолиятини амалга ошираётган корхоналарни солиққа тортишдан кўра ана шу бошқа Давлатда ёмонроқ бўлмаслиги керак.

3. Сармояси бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг бир ёки бир неча резидентларига тегишли бўлган, ёки бир ёки бир неча резидентлар томонидан бевосита ёки билвосита назорат қилинадиган Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг корхоналари биринчи эслатилган Давлатда ана шу Давлатдаги бошқа шундай корхоналарга солинадиган солиқ ёки у билан боғлиқ мажбуриятлардан кўра оғирроқ бўлган ҳар қандай солиқ солиш ёки у билан боғлиқ бўлган ҳар қандай мажбуриятларга дучор қилинмайдилар.

4. Мазкур қоидалар Аҳдлашувчи Давлатлардан бирини бошқа Аҳдлашувчи Давлат резидентларига солиқ солиш мақсадларида ўз резидентларига уларнинг фуқаролик мақоми ёки оилавий муносабатлари асосида берадиган ҳар қандай шахсий имтиёзлар, енгилликлар ва қиқартиришлар беришга мажбурловчи тарзида талқин қилинмаслиги лозим.

#### 24-модда

#### Ўзаро келишув тартиблари

1. Агар Аҳдлашувчи Давлат резиденти Аҳдлашувчи Давлатларнинг биттаси ёки ҳар иккаласининг ҳатти- ҳаракатини ушбу Битимга номувофиқ тарзда солиқ солинишига олиб келаётган ёки олиб келадиган сабаб деб билса, шу Давлатларнинг ички қонунларида кўзда тутилган ҳимоя воситаларидан қатъи назар ўзи резидент бўлган ўша Аҳдлашувчи Давлатнинг ваколатли органига ўз аризасини тақдим этиши мумкин. Ариза Аҳдлашувчи Давлатнинг ички қонунларида белгиланган давр мобайнида тақдим этилиши лозим.

2. Ваколатли орган аризани асосли деб топса ёки узи қониқарли бир қарорга кела олмаса, Битимга номувофиқ тарзда солиқ солинишига йўл қўймаслик мақсадида масалани бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг ваколатли органи билан ўзаро келишиб ҳал этишга интилади.

3. Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари Битимни талқин қилиш ёки қўллашда келиб чиқадиган ҳар қандай қийинчилик ёки шубҳаларни ўзаро келишув асосида ҳал этишга интиладилар.

Улар, шунингдек, Битимда кўзда тутилмаган ҳолларда икки томонлама солиқ солинишига йўл қўймаслик мақсадларида маслаҳатлашиб олишлари мумкин.

4. Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари олдинги бандлар маъносида келишувга эришиш мақсадида белгиланган тартибда бир-бирлари билан бевосита мулоқот қилишлари мумкин. Келишувга эришиш мақсадида оғзаки фикр алмашув ўтказиш зарурати туғилса, бундай фикр алмашув Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари вакилларида иборат Комиссияни тузиш орқали амалга оширилади.

## 25-модда

### Ахборот алмашиш

1. Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари ушбу Битим қоидаларини ёки Битим татбиқ этиладиган солиқларга оид Аҳдлашувчи Давлатнинг ички қонунчилигини амалга ошириш учун лозим бўлган ахборотларни шу қонунга биноан солиққа тортиш Битимга зид келмайдиган даражада ўзаро алмашиб турадилар. Аҳдлашувчи Давлат олган ҳар қандай ахборот, шу Давлатнинг ички қонунчилиги бўйича олинган ахборот сингари махфий ҳисобланади ва Битим жорий этиладиган солиқлар бўйича апелляцияларни кўриб чиқишда солиқлар миқдорини аниқлаш ёки уларни мажбурий ундириш ёки суд орқали таъқиб этиш билан боғлиқ шахслар ва органларга, шу жумладан судлар ва маъмурий органларгагина ошкор этилади. Бундай шахслар еки органлар бу ахборотдан фақат шу мақсадда фойдаланадилар. Улар бу ахборотни очиқ суд мажлиси жараёнида ёки ҳуқуқий қарор қабул қилишда ошкор қилишлари мумкин.

2. 1-банд қоидалари ҳеч бир ҳолда Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг зиммасига қуйидаги мажбуриятларни юкловчи қоида сифатида талқин қилинмайди:

а) у ёки бу Аҳдлашувчи Давлат қонунларига ёки маъмурий амалиётига зид бўлган маъмурий чоралар кўриш;

б) у ёки бу Аҳдлашувчи Давлат қонунчилигига кўра ёки одатдаги маъмурий амалиётга мувофиқ олиниши мумкин бўлмаган ахборотни тақдим этиш;

с) саноат, тижорат, ишлаб чиқариш, савдо ёки касб сирини ёки ишлаб чиқариш жараёнини ёки ошкор этиш миллий манфаатларга зид бўлиши мумкин бўлган ахборотни очиб берувчи ахборотларни тақдим этиш.

**26-модда****Дипломатик ваколатхоналар ходимлари  
ва консуллик муассасалари хизматчилари**

Ушбу Битимнинг бирон-бир қоидаси дипломатик ваколатхоналар ходимлари ва консуллик муассасалари хизматчиларига халқаро ҳуқуқнинг умумий нормалари ёки махсус битим қоидаларига мувофиқ белгилаб қўйилган солиқ имтиёзларига дахл қилмайди.

**27-модда****Битимнинг кучга кириши**

Ҳар бир Аҳдлашувчи Давлат бошқа Аҳдлашувчи Давлатни ушбу Битимнинг кучга кириши учун талаб этиладиган тартиблар тугаганлиги ҳақида бир-бирини хабардор қилади. Ушбу Битим шу ҳақда хабар қилинган хат олинган кунда кучга киради ҳамда унинг қоидалари ҳар иккала Аҳдлашувчи Давлатда ушбу Битим кучга кирган йилнинг биринчи январидан ёки биринчи январдан кейин бошланадиган ҳар бир солиққа тортиладиган йилдаги солиқлар учун қўлланила бошлайди.

**28-модда****Битим амал қилишининг тўхтатилиши**

Ушбу Битим Аҳдлашувчи Давлатлардан бири унинг амал қилишини тўхтатмагунча ўз кучида қолади. Ҳар бир Аҳдлашувчи Давлат Битим кучга кирган пайтдан бошлаб беш йил ўтганидан кейин бошланадиган исталган тақвимий йилнинг тугашига камида олти ой қолганда Битимнинг амал қилишини тўхтатиш ҳақида дипломатик йўллар орқали хабар бериб, ушбу Битимнинг амал қилишини тўхтатиши мумкин. Бундай ҳолда ушбу Битим унинг амал қилишини тўхтатиш ҳақида хабар берилган йилдан кейинги йилнинг биринчи январида ёки биринчи январидан кейин бошланадиган ҳар бир солиққа тортиладиган йилдаги солиқлар учун ҳар иккала Аҳдлашувчи Давлатда ўз кучини тўхтатади.

Тегишли тартибда ваколат берилган қўйидаги имзо чекувчилар шунга гувоҳлик бериб мазкур Битимни имзоладилар.

Тошкент шаҳрида 1996 йил “8” майда икки нусхада ҳар бири турк, ўзбек ва инглиз тилларида тузилди, барча матнлар бир хил кучга эга.

Мазкур Битимнинг қоидаларини талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келган ҳолларда инглиз тилидаги матн асос учун қабул қилинади.

**Туркия Қумҳурияти  
Ҳукумати номидан**

**Ўзбекистон Республикаси  
Ҳукумати номидан**